

ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ
УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!



XXI ASR

IJTIMOIY - SIYOSIY GAZETASI



Gazeta 2004-yil
1-yanvardan chop
etila boshlagan

12-fevral
2026-yil
6 (1 160)

21asr.uz XXIasr_yangiliklari XXIASR XXI_asr@mail.ru xxiasrgazetasi XXIasrgazetasi

14 февраль – Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун

Мирзо Муҳаммад Ҳайдар

(“Тарихи Рашидий” муаллифи):

Туркий шеърни Амир Алишердан кейин ҳеч ким
Бобур ёзган даражада ёзган эмасдир!



Кўнгли тилаган муродига етса кими...

Заҳриддин Муҳаммад Бобур атоқли давлат арбоби ва буюк саркарда бўлибгина қолмай, кенг фикрли тарихчи, етук адиб, лирик шоир ва ижтимоий масалалар ечимига ҳисса қўшган истеъдодли олим сифатида ҳам дунё илм-фани равнақи ва маънавий-маърифий ривожига муносиб ўрин эгаллайди. Адиб асарларининг миллатлараро севиб тадқиқ этилиши ҳам бу улуг сиймонинг дунёвий даражада улкан шухратини белгилайди.

Бобур 1483 йил 14 февралда Андижонда таваллуд топган. Отаси Умаршайх Мирзо Фарғона вилояти ҳокими, онаси Қутлуг Нигорхоним Мўғулистон хони ва Тошкент ҳокими Юнусхоннинг қизи бўлган. Бобур барча темурий шаҳзодалар каби ёшлигидан махсус тарбиячилар, йирик фозилу уламолар устозлигида ҳарбий таълим, фикҳ илми, араб ва форс тилларини пухта ўрганади, илм-фанга, шеърятга қизиқади. Довюрклиги ва жасурлиги боис ёшлигидан “Бобур” (шер) лақабини олади. У Соҳибқирон Амир Темур сулоласига Мироншоҳ Мирзо, Муҳаммад Мирзо, Абу Саид Мирзо (бобоси), Умаршайх Мирзо (отаси) орқали боғланади. Ўзи Ҳиндистонни забт этганидан сўнг янги сулолага асос солиб, унинг авлодлари давлатни 332 йил (1526–1858) давомида бошқарди. Салкам уч ярим асрлик тарихий даврда бобурийлар Ҳиндистон ўлкасида амалга оширган хайрли ишлар тарих зарварақларида абадул-абадга нақшланган.

МУНОСАБАТ

ЎЗБЕКИСТОН – ПОКИСТОН:

стратегик шериклик янги босқич ва янги имкониятлар



Дунё сиёсий ва иқтисодий жараёнлари шиддат билан ўзгариб бораётган бугунги мураккаб шароитда давлатлар ўртасидаги муносабатлар самарадорлиги, аввало, узоқ муддатли ишонч, ўзаро манфаатлар уйғунлиги ва аниқ иқтисодий натижаларга таянади. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 5–6 февраль кунлари Покистон Исломи Республикасига амалга оширган давлат ташрифи икки томонлама алоқалар тарихида мутлақо янги босқични бошлаб берган муҳим сиёсий воқеа сифатида баҳоланмоқда.



Ташриф Покистон Бош вазири Шаҳбоз Шарифнинг таклифига биноан амалга оширилди. Унинг доирасида олий даражадаги музокаралар, Стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши, қўшма бизнес-форум ҳамда қатор соҳавий учрашувлар ўтказилди. Саммит якунида қўшма декларация ва 30 га яқин муҳим ҳужжатлар имзоланди. Мазкур ҳужжатлар икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни институционал жиҳатдан мустаҳкамлаб, уни тизимли ва узоқ муддатли ривожлантириш учун ишончли ҳуқуқий замин яратди.

2



ХАЛҚ ДАРДИ ҚОНУН ВА ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА

АНЪАНАГА МУВОФИҚ, ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЯНВАРЬ ОЙИДА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ О'ZLIDER ФРАКЦИЯСИ РАЎБАРИ АКТАМ ХАЙТОВ БОШЧИЛИГИДА ФРАКЦИЯ АЪЗОЛАРИ ҲАМДА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ДЕПУТАТЛАРИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ҚАТОР ҲУДУДЛАРИДА КЕНГ ҚАМРОВЛИ ЎРГАНИШЛАР ОЛИБ БОРДИ. АЙРИМ МУАММОЛАР ЎША ЖОЙНИНГ ЎЗИДА ТАҲЛИЛ ЭТИЛИБ, ЕЧИМ ТОПИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ.

3

4



ЙЎҚДАН БОР, БОРДАН
БОЛ ҚИЛАЁТГАН АЁЛЛАР

5



КРЕАТИВ ТАДБИРКОР
ЁШЛАР

5



САМАРҚАНД ЖАМОЛИГА
ГАРД ТУШМАСИН

6



“ТАНКА”СИ
КАТТА ОҒАМ

ЎЗБЕКИСТОН – ПОКИСТОН:

стратегик шериклик янги босқич ва янги имкониятлар

Ақтам ХАЙТОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатасидаги
O'zLiDeP фракцияси раҳбари



◀ Бошланиши 1-саҳифада.

Ўзбекистон ва Покистон муносабатлари фақат замонавий геосийсий манфаатларга эмас, балки муштарак тарих, маданият ва маънавий қадриятларга таянади. Буюк Ипак йўли давридан бошланган савдо-иқтисодий алоқалар, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Иқбол, Мирзо Ғолиб каби буюк мутафаккирлар мероси халқларимизни боғловчи маънавий кўприк вазифасини ўтаб келмоқда. Филологлар таъкидлаётганидек, ўзбек ва урду тилларида уч мингдан ортиқ умумий сўз мавжудлиги ҳам халқлар ўртасидаги яқинликнинг ёрқин далилидир.

Покистон 1991 йил 20 декабрда Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган давлатлардан биридир. 1992 йилда дипломатик муносабатлар ўрнатилди. 2021 йил июль ойида эса Стратегик шериклик тўғрисидаги Қўшма декларация имзоланиб, алоқадорлик сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Бугунги кунда икки давлат БМТ, Ислам ҳамкорлик ташкилоти ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти каби нуфузли халқаро тузилмалар доирасида ҳам бир-бирини изчил қўллаб-қувватлаб келмоқда. Айниқса, Покистоннинг Ўзбекистонни Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнини фаол қўллаб-қувватлаётгани алоҳида аҳамиятга эга.

Сўнгги тўққиз йил мобайнида савдо-иқтисодий алоқалар жадал суръатларда ривожланди. Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази маълумотларига кўра, 2017–2025 йиллар давомида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 12,2 баробарга ошиб, 2025 йил якунига кўра 445,9 миллион долларга етди. Жумладан, Ўзбекистоннинг Покистонга экспорти 32 баробарга ўсиб, 325 миллион долларни ташкил этди, Покистондан импорт эса 4,6 баробарга ошиб, 120,9 миллион долларга етди. 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон ташқи савдода ижобий сальдога эришди.

2025 йилда экспорт таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари етакчи ўринини эгаллади. Қуритилган дуккакли сабзавотлар, ёнғоқ ва ерэнғоқ каби маҳсулотлар 260,2 миллион долларлик ҳажм билан умумий экспортнинг қарийб 80 фоизини ташкил этди. Шунингдек, саноат маҳсулотлари, жумладан, ип-калава 21,2 миллион доллар, ноозик-овқат хомаёси 13,2 миллион доллар, хизматлар эса, асосан транспорт хизматлари ҳисобига, 30,1 миллион долларга етди. Импорт таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари 56,2 миллион доллар, кимёвий маҳсулотлар, жумладан, дори-дармон ва ювчи воситалари

45,3 миллион доллар, саноат маҳсулотлари 6,4 миллион доллар ва хизматлар 4 миллион долларни ташкил этди.

Сўнгги беш йил ичида ўзаро савдо ҳажми 2,5 баробарга ошди, қўшма корхоналар сони эса қарийб уч баробар кўпайди. 2026 йил 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда Покистон капитали иштирокида 208 та корхона фаолият юритмоқда. Шундан 18 таси қўшма корхона, 190 таси эса 100 фоиз Покистон сармояси асосида ташкил этилган. Бу рақамлар ўзаро ишонч ва инвестициявий муҳитнинг барқарорлигига яққол исбот бўла олади.

Икки давлат ўртасида кечган олий даражадаги музокараларда яқин истиқболда товар айланмасини 2 миллиард долларга етказиш стратегик мақсад сифатида белгилаб олинди. Бу вазифа мамлакатимиз экспорт салоҳиятини 45 миллиард долларга етказиш бўйича умумдавлат стратегиясига ҳамоҳанг равишда амалга оширилади. Демак, Покистон бозори миллий маҳсулотларимиз учун нафақат янги йўналиш, балки катта салоҳият ва барқарор талаб манбаи сифатида қаралмоқда.

Ташриф доирасида умумий қиймати 3,5 миллиард долларлик савдо ва инвестиция битимлари портфели шакллантирилди. Лойиҳалар қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, тўқимачилик, электротехника, геология, озиқ-овқат саноати каби устувор тармоқларни қамраб олгани уларнинг амалий аҳамиятини янада оширади. Бу келишувлар икки мамлакат ишбилармон доиралари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаб, реал ишлаб чиқариш ва янги қўшилган қиймат яратишга хизмат қилади.

2017–2024 йилларда Покистондан жалб қилинган тўғридан-тўғри инвестициялар 62,5 миллион доллар бўлган бўлса, шундан 47,4 миллион доллари 2024 йилнинг ўзига тўғри келади. Бу эса ўзаро ишонч ва қизиқишнинг кескин ошганини кўрсатади. 2026 йилда эса инвестиция суръатлари янада юқори бўлиши кутилмоқда.

Айниқса, фармацевтика соҳаси ўзаро ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. Маълумки, Ўзбекистонда дори-дармон импорти йиллик ҳажми 3 миллиард доллардан ошади. Покистон компанияларининг "Tashkent Pharma Park" кластерида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириши импорт ўринини босиш, замонавий технологияларни жалб этиш ва юқори маънавият иш ўринлари яратиш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли учун сифатли ва арзон дори воситаларини таъминлашга хизмат қилади.

Покистон билан стратегик шериклик ҳақида сўз юритар эканмиз, мазкур ҳамкорликнинг энг муҳим ва ҳал қилувчи йўналишларидан бири транспорт ва логистика соҳаси эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, денгиз портларидан анча узоқ масофада бўлган мамлакат учун ташқи бозорларга чиқишда ишончли транзит йўлаклари ҳаётини аҳамият касб этади. Бугунги кунда Марказий ва Жанубий Осиё ўртасида тўғридан-тўғри темир йўл қатновининг мавжуд эмаслиги савдо ҳажмининг тўлиқ очилишига тўсқинлик қилиб келмоқда. Шу нуқтаи назардан, "Мазори Шариф – Кобул – Пешовар" темир йўл лойиҳаси, яъни Трансафгон йўлига икки минтақа ўртасидаги стратегик кўприк вазифасини бажариши кутилмоқда.

Ушбу йирик лойиҳа амалга ошадиган бўлса, Марказий Осиё давлатлари Покистоннинг Карачи ва Гвадар портлари билан бевоқифа боғланади. Бу эса юк ташиш муддатини сезиларли даражада қисқартиради, транспорт харажатларини камайтиради ва маҳсулотларимиз рақобатбардошлигини оширади. Энг муҳими, ушбу темир йўл минтақавий иқтисодий интеграцияни кучайтиради, янги ишлаб чиқариш занжирлари ва транзит хизматлари учун кенг имкониятлар яратяди. Бугун дунёда транспорт йўлаклари иқтисодий қудратнинг асосий омилга айланиб бораётган бир пайтда, Трансафгон темир йўли нафақат инфратузилма лойиҳаси, балки геоиқтисодий аҳамиятга эга ташаббусдир.

Шунингдек, Карачи ва Лохур шаҳарларига тўғридан-тўғри авиачарларнинг йўлга қўйилиши, порт хизматлари бўйича имтиёз ва чеғирмалар тақдим этилиши экспортёрларимиз учун янги имкониятлар эшигини очади. Бу, ўз навбатида, 240 миллиондан ортиқ аҳолига эга Покистон бозорига миллий маҳсулотларимиз тез ва арзон етказиб бериш имконини яратяди. Демак, транспорт-логистика соҳасидаги келишувлар савдо ҳажмини 2 миллиард долларга етказиш бўйича белгилаб олинган стратегик мақсаднинг мустаҳкам пойдеворига айланмоқда.

Иқтисодий шерикликини барқарор ва узоқ мuddатли қиладиган яна бир муҳим омил – гуманитар ва таълимий алоқалардир. Бугунги кунда Ўзбекистон олий таълим муассасаларида қарийб 1700 нафар покистонлик талаба тахсил олмақда. Ташкилотлар ва шарҳунослик университетидега урду тили ўқитилимоқда, Покистон университетларида эса ўзбек тили ва маданияти марказлари фаолият юритмоқда. Панжоб университетидега

ташкил этилган "Бобур мероси маркази", Пешовар университетидеги Алишер Навоий маркази халқларимизнинг муштарак тарихий ва маънавий илдизларини янада мустаҳкамламоқда.

Маданият кунлари, кинофестиваллар, "Шарқ тароналари" халқаро musiқа фестивали каби тадбирлар эса халқ дипломатиясининг ёрқин намунаси сифатида хизмат қилмоқда. Президент Шавкат Мирзиёевга Покистон Миллий фан ва технологиялар университетининг фахрий доктори ва профессори унвонларининг берилиши таълим ва илмий ҳамкорликка берилган юксак баҳо, Янги Ўзбекистон ислохотларининг халқаро эътирофи бўлди.

Исломободда бўлиб ўтган музокара натижалари шуни кўрсатдики, Ўзбекистон ва Покистон муносабатлари декларатив баёнотлар босқичидан амалий натижалар берувчи стратегик шериклик форматига тўлиқ ўтди. Савдо ҳажмини 2 миллиард долларга етказиш, 3,5 миллиард долларлик инвестиция портфелини рўёбга чиқариш, Трансафгон темир йўлини барпо этиш, фармацевтика ва тўқимачилик соҳаларида қўшма ишлаб чиқаришларни йўлга қўйиш – буларнинг барчаси Янги Ўзбекистоннинг проактив иқтисодий дипломатияси самарасидир.

Энг муҳими, ушбу ҳамкорлик ортида икки давлат халқларининг маффаати мужассам. Янги корхоналар – янги иш ўринлари демакдир. Янги бозорлар – янги даромад манбаи демак. Қўлай транзит йўлаклари эса миллий иқтисодиёт барқарор ўсишининг кафолати ҳисобланади. Шу маънода, Ўзбекистон – Покистон стратегик шериклиги фақат икки давлат ўртасидаги алоқалар эмас, балки Марказий ва Жанубий Осиё ўртасида барқарор иқтисодий кўприк барпо этишга қаратилган тарихий жараёндир.

Шубҳасиз, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Покистонга давлат ташрифи икки мамлакат ҳамкорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиққан муҳим вазифани босиб чиқаришда тарихда қолади. Бу ташриф Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги очиллик, прагматизм ва иқтисодий манфаатдорлик тамойилларининг амалдаги ифодаси бўлиб, миллий маҳсулотларимиз учун янги бозорлар, тадбиркорларимиз учун янги имкониятлар, халқимиз учун эса янги фаровонлик манбаини очиб бермоқда. Демак, Покистон йўналиши мамлакатимиз ташқи иқтисодий сиёсатининг устувор ва истиқболли йўналишларидан бири сифатида ўз ўрнини мустаҳкамламоқда.

ЎЗАРО ИШОНЧ ВА МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

Давлатимиз раҳбарининг Покистон Ислам Республикасига амалга оширган расмий ташрифи икки давлат ўртасидаги муносабатларни мутлақо янги, тизимли ва амалий босқичга олиб чиққан муҳим сиёсий воқеа бўлди. Ушбу ташриф нафақат аънавий дўстона алоқаларни мустаҳкамлади, балки ҳамкорликни аниқ лойиҳа ва ташаббуслар билан бойитиб, унинг мазмун-моҳиятини янги поғонага кўтарди.



Маъруфжон РАҲМОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Ташриф доирасида имзоланган кўлаб битим ва келишувлар ҳамкорликни фақат сиёсий мулоқот билан чеклаб қўймай, уни иқтисодиёт, хавфсизлик, ижтимоий тараққиёт ва гуманитар соҳаларга чуқур татбиқ этишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Бу эса икки давлат муносабатлари мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга бўлиб бораётганини аёнлатади.

Бугунги кунда Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири – яқин ва ишончли ҳамкорлик билан савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, инвестициявий лойиҳаларни рағбатлантириш ҳамда халқ фаровонлигига хизмат қиладиган ташаббусларни қўллаб-қувватлашдан иборат. Шу маънода, Покистон билан муносабатлар алоҳида стратегик аҳамият касб этади. Зеро, ушбу давлат Жанубий Осиё минтақасидаги йирик бозорлардан бири бўлиб, катта иқтисодий салоҳиятга эга.

Олий даражадаги музокараларда савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, саноат кооперациясини йўлга қўйиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт-логистика, энергетика, фармацевтика ва бошқа соҳалардаги алоқаларни чуқурлаштириш масалалари атрофича муҳокама қилинди. Энг муҳими, музокаралар якунида имзоланган ҳужжатлар амалий мазмунга эга бўлиб, реал иқтисодий лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ва қўшма корхоналар ташкил этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Иқтисодий ҳамкорликни институционал жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон – Покистон Ишбилармонлик кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги битим имзоланди. Бу кенгаш орқали тадбиркорлар ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот йўлга қўйилади, қўшма лойиҳалар шакллантирилади ва инвестиция ташаббуслари амалда рўёбга чиқади. Шунингдек, ҳу-

дудларо форум ташкил этиш бўйича келишув иқтисодий фаолликни фақат марказ доирасида эмас, балки вилоят ва шаҳарлар даражасида ҳам кенгайтириш имконини беради. Бу эса ҳудудларнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга хизмат қилади.

Имтиёзли савдо тўғрисидаги битимга янги товар позицияларининг киритилиши ташқи савдонинг диверсификация қилиш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Мазкур қарор миллий ишлаб чиқарувчилар учун Покистон бозорига чиқишни енгиллаштиради, экспорт ҳажмини оширади ва қўшимча валюта тушумларини таъминлайди. Порт хизматлари бўйича чеғирмалар тақдим этиш юзасидан эришилган келишувлар эса логистика харажатларини қисқартириш орқали маҳсулот таннархини пасайтиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида имзоланган икки томонлама битимлар ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Аграр ишлаб чиқаришда замонавий технология ва инновацион ёндашувларни жорий этиш, илмий тадқиқотлар алмашинувини кучайтириш орқали маҳсулот ҳосилдорлиги ошади, фермер хўжалиқларининг даромад манбалари кенгайди. Айниқса, Ўзбекистондан Покистонга янги узилган мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти бўйича фитосанитария талабларининг келиши олиниши қишлоқ жойлардаги аҳоли учун барқарор бозор ва қафолатланган сотув имкониятларини яратяди.

Умуман олганда, мазкур расмий ташриф доирасида эришилган келишувлар икки давлат ўртасидаги ишонч ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлайди. Энг муҳими, ушбу ҳужжатлар халқимиз манфаатларига, юртимиз иқтисодий тараққиётига ва узоқ мuddатли барқарор ривожланиш мақсадларига хизмат қилади.

ЎҚУВ

Кадрлар салоҳияти ошади

O'zLiDeP худудий кенгашларидаги раис ўринбосарлари – аппарат раҳбарларининг сиёсий ва профессионал салоҳиятини оширишга қаратилган махсус ўқув курсларида машғулотлар давом этмоқда.

– Мазкур ўқувлар сиёсий кучнинг ҳудудлардаги фаолиятини янада самарали ташкил этиш, бошқарув тизимида замонавий ёндашувларни жорий этиш, ишни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш мақсадида ташкил этилди, – дейди O'zLiDeP Амалий лойиҳалар ва сиёсий таълим маркази раҳбари Насимжон Алимов. – Ўқув машғулотларида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Ақтам Хайтов бошчилигида бир гуруҳ депутатлар ҳамда сиёсий амалиётчилар, экспертлар қатнашишмоқда. Мавзулар ҳам ранг-баранглиги билан ажралиб туради, албатта. Масалан, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида белгилаб берилган долзарб вазифалар мазмун-моҳиятини кенг

жамоатчилик ўртасида тарғиб этиш, шунингдек, партиянинг Сайловолди дастурида белгиланган 5 мақсад ва 500 вазифа ижросини таъминлаш, O'zLiDeP томонидан тақдим этилаётган истиқболли партиявий лойиҳаларни амалиётга татбиқ қилиш ва бошқа қатор йўналишлар хусусида атрофича маълумотлар берилмоқда.

Семинарларда замонавий бошқарув усуллари, электротар билан ишлашнинг инновацион методлари, ахборот-коммуникация технологияларидан ўринли фойдаланиш, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар билан ҳамкорликни кучайтириш бўйича амалий кўникмалар шакллантирилмоқда. Бу эса келгусида партия ташкилотларининг очиллиги, жамиятдаги нуфузини оширишга ёрдам беради.

Яна бир эътиборли жиҳати, ўқув дастуридан пойтахтимиздаги намунали партия туман кенгашлари ва бошланғич партия ташкилотлари фаолияти билан танишуш ҳамда "Янги Ўзбекистон боғи", "Олимпия шаҳарчаси"га саёҳат ҳам ўрин олган.

Ҳозиргача ўқув дастурларини муваффақиятли якунлаган 76 нафар иштирокчи сертификатлар топширилди.

Мухбиримиз



ЙЎҚДАН БОР, БОРДАН БОЛ ҚИЛАЁТГАН АЁЛЛАР

АЁЛГА УН БЕРСАНГ, НОН ҚИЛИБ БЕРАДИ, МЕВА БЕРСАНГ ШИРИН МУРАББОГА АЙЛАНТИРАДИ, ЕР БЕРСАНГ СЕРҲОСИЛ БОГНИ КЎРАСАН. ЙЎҚДАН БОР ҚИЛИШ, БОРДАН БОЛ ҚИЛИШ УНИНГ ФИТРАТИГА ХОС. ФАҚАТ ИМКОН БЕРСАНГ БЎЛДИ: МАШАҚҚАТНИ ПИСАНД ҚИЛМАЙДИ, МЕҲНАТДА ОЧИЛАДИ, ФАРОҒАТНИ ЯРАТИШДА ДЕБ БИЛАДИ.

ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ХОС БАРЧА ЛОЙИХАЮ ТАНЛОВЛАРИ МАРКАЗИДА АНА ШУ ҒОЯ ЁТАДИ. АНА ШУНДАЙ ЭЗГУ МАҚСАД ОРҚАЛИ СИЁСИЙ КУЧ ҚАНЧАДАН-ҚАНЧА АЁЛЛАРГА КЎМАҚ, РАҒБАТ, ДАРОМАД ВА МУКОФОТ ТАҚДИМ ЭТЯПТИ. СЎНГ ШУНДАЙ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАР БИЛАН САФИНИ КЕНГАЙТИРИБ БОРЯПТИ. ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ТАДБИРКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ ВА МАҲАЛЛАЛАРДА ИШБИЛАРМОН АЁЛЛАР САФИНИ КЕНГАЙТИРИШ НИЯТИДА ЖОРИЙ ЙИЛ БОШИДАН ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН “МАҲАЛЛАНИНГ ИШБИЛАРМОН АЁЛИ” КЎРИК-ТАНЛОВИ ҲАМ АЛЛАҚАЧОН ЎЗ МЕВАСИНИ БЕРАЁТГАНИГА НИМА ДЕЙСИЗ?!

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси ва Нукус шаҳар кенгаши раиси “Аёллар қаноти” фаоллари Шымбай шайхана, Ғарезсизлик ҳамда Халқлар дўстлиги маҳаллаларида бўлишди. Халқ депутатлари Нукус шаҳар кенгаши депутати Зулфия Сейтнийзова ишбилармон хотин-қизлар билан очиқ мулоқот ўтказди. Уларнинг тадбиркорлик фаолияти, эришган натижалари, муаммо ва режалари билан яқиндан танишди.



Танлов доирасида тадбиркор Алфия Тлеумуратованинг Шымбай шайхана маҳалласидаги “Лъвёнок” хусусий болалар боғчаси фаолияти ўрганилди. Айна вақтда мазкур боғчада 150 нафарга яқин болажонлар тарбияланмоқда. Замоновий шароитлар яратилган, таълим-тарбия жараёни юқори даражада. Ғарезсизлик маҳалласидаги “Хлебный домик” МЧЖ нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Амина Ибадуллаева раҳбарлигидаги ушбу корхонанинг бугунги кунда 3 та филиали бўлиб, аҳолини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаб келмоқда. Халқлар дўстлиги маҳалласида тадбиркор Нигора Аленова очган болаларни уқалаш маркази ёш оналарни хурсанд қилди. Энди улар фарзандларини шундоқ уйларида яқин жойга олиб келиб, соғломлаштириб кетишди. Нигора бу марказни уйининг ёнгинасида очгани унинг ўзига ҳам осон бўлди. Рўзғори ҳам, маркази ҳам қаровсиз қолмайди. Шу боис қисқа вақтда танловлар ғолиби бўлишга ҳам улгурди. 15 йилдан ортиқ тиббиёт соҳасида ишлаган Нигора устоз-шоғирд анъанасини давом эттириб, ўқув курсларини ҳам йўлга қўйди.

Ҳакамлар номлари зикр этилган ишбилармон аёлларнинг фаолиятини юқори баҳолашди. Худудларда тадбиркорлик субъектларининг йилдан-йилга кўпайиб бораётгани натижасида аҳолининг даромади ва имконияти янада кенгайтирилган эътироф этишди. Бундай тиниб-тинчимас опа-сингилларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг илғор тажрибасини оммалаштириш ҳамда янги ташаббусларини рағбатлантиришда партия ҳамма камарбаста бўлишини таъкидлашди.

O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот хизмати

ҚАШҚАДАРЁ

O'zLiDeP фракцияси аъзоси Гулшана Худоёрова Қарши туманидаги маҳаллаларда бўлиб, аҳоли билан мулоқот қилди. Учрашувларда “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” ва “Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида 2026 йилда амалга оширилиши белгиланган устувор вазифалар, шунингдек, хотин-қизларнинг олий ва ўрта-махсус таълим олишларидаги имкониятлар ҳақида батафсил тушунириш берди.



Парламент депутати Алишер Навоий маҳалласида ташкил этилган “Маҳалланинг ишбилармон аёли” танловида ҳам иштирок этди. Етти йилдан буён тикув цехини бошқариб, “Аёллар дафтари”даги 15 нафар хотин-қизни иш билан таъминлаб келаётган Лобар Рўзимуродованинг дизайнлик тажрибаси, соғломлаштириш клуби фаолияти яхши баҳоланди. Лобар маҳсулотларини хоризгга экспорт қилиш учун бизнес ҳамкорлар билан шартнома имзолаган, самарадорликни ошириш учун замонавий тикув машиналари харид қилаётди. У маҳалланинг ишбилармон аёли, дея эътироф этилиб, кейинги бошқич йўлнамасини қўлга киритди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” мухбири

БУХОРО

O'zLiDeP Қоракўл туман кенгаши “Аёллар қаноти” фаоллари дастлаб Эски қалъа маҳалласи Табиблар кўчасида истиқомат қилувчи Ашурбиби Бозорованинг томорқачилик фаолияти билан яқиндан танишди. Иссиқхонасида апельсин ва лимон боғи йилдан йилга мўл ҳосил бермоқда. Кўкат ва полиз экинлари ҳам меҳр билан парвариш қилинмоқда.

Когон туманида ҳам кейинги пайтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, бандликни таъминлаш, маҳаллий саноатни ривожлантириш мақсадида олиб борилаётган ишлар ўз натижасини бермоқда. Ўба-чўли маҳалласида томорқачилик билан шуғулланиб келаётган оилалар даромади йил сайин ошаётгани бунинг исботи. Оилавий тадбиркорлар сафи кўпайиб, ички бозор сифатли ва экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига тўлмоқда. O'zLiDeP Когон тумани кенгаши “Аёллар қаноти” фаоллари ана шундай илғор тадбиркор Зилола Эргашева хонадониди бўлиб, замонавий иссиқхонасини кўздан кечиришди. Экинлар агротехника талаб асосида меҳр ва масъулият билан парвариш қилинаётганига гувоҳ бўлишди. Хонадон эгалари ўз фаолиятларини помидор ва бодринг етиштириш билан бошлашган.



– Фаолиятимизни янада кенгайтириш мақсадида ўтган йил сентябрдан кулпунчиликни ҳам йўлга қўйдик, – дейди Зилола Эргашева. – Мавсумда 8 минг туп қўчатдан мўл ва сифатли ҳосил олдик. Маҳсулотларимизга бозорда талаб катта, шу боис даромадимиз ҳам ошиб борапти. Иссиқхоначилик ҳақиқатан ҳам кони фойда экан, фақат меҳнатидан қочмаслик, экинларни ўз вақтида парваришлаш лозим.

Кувонарлиси шундаки, шундай ташаббускор ва меҳнатсевар оилалар фаолияти ва уларнинг ҳаётидаги ўзгаришлардан бошқалар ҳам ибрат олиб, изидан боришяпти. Мана, туманининг Баҳовуддин Нақшбанд маҳалласи Янги йўл кўчасида яшовчи яқка тартибдаги тадбиркор Хуршида Расулова уйда тикувчилик билан шуғулланиб, оиласи даромадини ошириш билан бирга 2 нафар маҳалладошини ҳам доимий иш билан банд қилган. Яна 5 нафар ёш хотин-қизга касб сирларини ўргатмоқда. Буюртмалар талайгина.

– Банкдан имтиёзли кредит олиб фаолиятимни янада кенгайтирмоқчиман, – дейди у. – Ана шунда яна иш ўринлари яратишга имконият яратилади. Аёллар банд бўлгани яхши-да.

Ушбу маҳалланинг Усмон обод кўчасида истиқомат қилувчи Манзура Ҳасанова ҳам ҳовлисида иссиқхона ташкил этган. Мавсумий гул қўчатлари ва полиз экинлари етиштирмоқда. Ўзи ва ўндан ортиқ ишчиларининг қўли-қўлига тегмайди. Помидор, бодринг, булғор қалампир, баклажон қўчатларини ички бозорга ҳамда буюртмачиларга пешма-пеш етказиб берапти.

O'zLiDeP Когон шаҳар кенгаши раиси ўринбосари, маҳаллий кенгаш депутати Дилноза Арабова бошчилигидаги ишчи гуруҳ аъзоларини Абдулла Қодирий маҳалласидаги тадбиркор Роҳатой Рустамованинг фаолияти ҳайратга солди. У уч йилдан буён маҳалладаги тадбиркор сифатида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда ва 5 нафар маҳалладошини ёнига олган. Беруний маҳалласилик Наргиза Эрбобоеванинг иш фаолияти ҳам кўпчиликка ўрнак. Ўн йилдан буён аёллар ва келинлар учун миллий ва замонавий либослар тикади, хунарини ўрганиш истагидагиларга беминнат ўргатади. Янги иш ўрни яратиб, худудда хотин-қизлар бандлигини таъминлашга ҳисса қўшиб келмоқда. Кўкалдошлик Нигинабону Сафоева эса 2024 йилда тижорат банкдан ажратилган 96 млн сўм миқдоридagi имтиёзли кредит асосида кичик қандолат цехи очган эди. Дастлаб оила аъзолари билан бошлаган фаолияти бугунги кунда янада кенгайиб, уларнинг сафига 5 нафар хотин-қиз ҳам кирди. Чунки маҳсулотларига талаб ортиб борди-да. Ҳозирда иш қизғин, 12 турдаги пишириқлар хариддорларга пешма-пеш етказиб бериляпти. Тўй ва маросимлар учун ҳам буюртмалар қабул қилинмоқда.

Партия Қоровулбозор туман кенгаши “Аёллар қаноти” фаоллари Тинчлик маҳалласи Нурчилар кўчасида истиқомат қилувчи Меҳринисо Санокуюлованинг уйда бўлганида уч йилдан буён тикувчилик билан шуғулланувчи ишбилармоннинг 4 нафар аёлни доимий иш билан таъминлаганига амин бўлишди. У соҳага қизиқувчи ёш қизларга ҳам ўз хунари сирларини пухта ўргатиб келмоқда. Аёллар ва келинлар учун тайёрлаган бежирим либосларидан харидорлар мамнун.

Самимий учрашув ва мулоқотлар чоғида тадбиркор аёлларга O'zLiDePнинг дастури, мақсад ва ғоялари, лойиҳаларининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти тушунирилди. Тадбиркор ва хунарманд аёллар ўз истагига кўра партия сафига қабул қилинди ҳамда уларга ушбу истиқболли лойиҳанинг кейинги боқиларида иштирок этиш ҳуқуқи берилди.

Асхор ИСТАМОВ,
“XXI asr” мухбири

САМАРҚАНД

“Маҳалланинг ишбилармон аёли” танлови доирасида O'zLiDeP Тойлоқ туман кенгаши раиси Зойиржон Зиёдуллаев ҳамда депутат Насиба Мўминова қўшчинолик чорвадор Матлуба Саидқулова хонадониди бўлишди. Турмуш ўртоғи вафотидан сўнг ҳаёт синовларига мардонвор бардош берган Матлубахон уч нафар ўғли билан чорвачилик фаолиятини давом эттириб келмоқда. Шу меҳнати ордидан рўзғорини бутлади, ўғилларини уйлантирди, келинларини шартнома асосида ўқитди. Айна кунда 12 та зотдор соғин сигир ва 20 та хўкиз парвариш қилишяпти. Самарадорликдан даромад ортиб, яқинда замонавий трактор харид қилишди.



Қўшчинолда чорвадор аёллар кўп. Маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси 2026 йилда 20 нафар чорвадорга микро лойиҳалар асосида амалий кўмак кўрсатмоқчи. Хунарманд Ҳилола Нодировага 16 миллион сўм кредит ажратилиб, тикув машиналари олиб берилди. Натижада унинг йиллик даромади 100 миллион сўмга етиб, 50 дан ортиқ хотин-қизга устозлик қилмоқда. Опа-сингил Ҳалима ва Ҳамида Қурбонова ҳам тикувчиликни касб қилиб, йилига ўртача 100-150 миллион сўм даромад топмоқда.

Энг муҳими, партиянинг мазкур лойиҳалари орқали маҳаллалардаги тадбиркор аёлларга эътибор янада ортмоқда. Уларнинг фаолиятини оммалаштириш, тажрибаларини бошқа хотин-қизлар учун ўрнак сифатида тарғиб қилиш орқали ишбилармонлар сафини кенгайтириш, худудларда тадбиркорлик муҳитини янада ривожлантириш мақсад қилинган.

O'zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши матбуот хизмати

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бирига айланмоқда. Чирчиқ шаҳридаги Семурғ маҳалласида ташкил этилган тадбир ҳам айна мақсадга қаратилди.

Унда **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулшана Худоёрова, O'zLiDeP Аёллар муаммоларини ўрганиш ва ишбилармонлигини қўллаб-қувватлаш бўлими мудири Севара Муслимова, Тошкент вилоят кенгаши бўлим мудири Диёра Болтаева** ҳамда маҳаллий кенгаш депутатлари, бошланғич партия ташкилот раҳбарлари, маҳалла раислари ва фаол хотин-қизлар иштирок этди.

Дастлаб 100 дан ортиқ соҳа ходимларини иш билан таъминлаган “Дилчеҳра” тиббий клиникасида олиб борилаётган ишлар билан танишилди. Клиника раҳбари Ражабуви Имомбердиеванинг ибратли фаолиятини кўришиб, тажрибасини тарғиб қилиш зарурлигини таъкидлашди.



Кейинги манзил – тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда етакчи корхоналардан бири бўлган “Chirchiq mega biznes jeans production company” МЧЖ бўлди. Корхона бугунги кунда Европа, Россия, Беларусь, Қозғоғистонга сифатли маҳсулотлар экспорт қилмоқда. 150 нафар ишчи-ходимнинг 15 фоизини “Темир дафтар”даги 10 фоизини кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларда истиқомат қилувчи хотин-қизлар ташкил этади. Ёшларнинг бандлиги ва касбий ривожланишини таъминлашга ҳам эътибор юқори. Корхона раҳбари Мадина Муратова ўз бизнесини ривожлантириш устида тинимсиз изланишда. Ҳаракатлар самараси ўлароқ йил сайин янгидан янги давлатларга ўз маҳсулотларини билан кириб бормоқда.

– Маҳалла шароитида ташкил этилган кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик лойиҳалари маҳаллий хонадонлар билан ҳамкорликда, хизматлар қўламини кенгайтириш ҳамда янги иш ўринлари яратиш имконини беради, – деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг Ёшлар ва аёллар масалалари бўйича ўринбосари Гулшана Худоёрова.** – Айнақисса, хунармандчилик, тўқимачиликда хотин-қизлар фаолиги ортиб бормоқда. Шу боис партияимиз аёллар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, имтиёзли кредитлар ва амалий кўмак механизмларини кенгайтириш, бу орқали худуд ривожининг барқарорлигини таъминлашда ҳамма ташаббускор бўлади.

Тадбир якунида бизнес вакилларига сиёсий кучнинг ташаккурнома ва эсдалик совғалари топширилди.

Зухро МИРЗОҲАМДАМОВА,
O'zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши бўлим мудири

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХА

КРЕАТИВ ТАДБИРКОР ЁШЛАР

ЗАМОНАВИЙ ҒОЯ ВА НАТИЖАЛАР БУНЁДКОРЛАРИ

Тошкент шаҳри

O'zLiDeP Тошкент шаҳар ва Яққасарой туман кенгашлари ўзаро ҳамкорликда ташкил этган форум жуда қизғин тарзда ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Равшан Фозилов, Гулшана Худоерова, Севара Убайдуллаева, парламент ҳузуридаги Ёшлар парламенти раиси Отабек Собитов, партия фаоллари, ёшлар ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбир қатнашчилари дастлаб "Imdi Baybi" тикувчилик корхонасида ва "Хоразм нон" МЧЖда ишлаб чиқариш жараёنлари, 319-мактабда хунармандлар кўргазмалари билан танишди. Дилбулоқ маҳалласида стартап ташаббуслар, ахборот технологиялари ихтиролари, муҳандислик ишланмалари, имконияти чекланган ўғил-қизлар тайёрлаган маҳсулот ва хизматлар намойиш этилди. "Wyndham garden Tashkent" меҳмонхонасида тадбиркорлар билан ташкил қилинган мулоқот янада қизиқарли кечди. Таниқли ишбилармонлар бой тажрибалари ҳақида сўзлаб беришди. Ўз навбатида ёшлар томонидан ҳам тақдирлар билдирилди.

Хулоса қилиб айтганда, "Креатив тадбиркор



Ёшлар лойиҳаси мамлакатимиз ёшлари учун янги имкониятлар эшигини очади, орзу ва интилишларини рўёбга чиқариш ҳамда жамият тараққиётида муносиб ўрин эгаллашни таъминлайди.

Улуғбек ЭШОНХЎЖАЕВ,
O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши бўлим мудири

Сирдарё

Гулистон шаҳридаги Ёшлар технопаркида "Креатив тадбиркор ёшлар" форумининг Гулистон шаҳар бошқиси ўтказилди.

Ёшларни тадбиркорликка кенг ҳоя этиш, уларнинг инновацион ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган мазкур анжуманда Инновацион ривожланиш агентлиги вилоят бўлини раҳбари Сайфиддин Исантурдиев, Гулистон ёшлар технопарки давлат муассасаси директори Дилшод Эрмонов, партия масъуллари, депутатлар, фаол талаба ва ўқувчилар иштирок этди.

Тадбирда ёшлар ўзларининг стартап ғоялари, бизнес режа ва креатив лойиҳаларини тақдим этишди. Хизмат кўрсатиш, хунармандчилик, қишлоқ хўжалиги, рақамли технологиялар ҳамда он-лайн савдо йўналишларидаги ташаббуслар кўпчиликти қизиқтири уйғотди. Тадбир креатив ғоялар ярмаркаси, мастер-класс ва тре-



нинглар, хунармандлар кўргазмаси, депутатлар ва ёшларнинг мулоқотлари ҳамда спорт тадбирларига улашиб кетди.

Натижаларга кўра, Хумора Ахророванинг "Беҳи уруғидан шифобахш шарбат", Хуснора Муртозакулованинг "Хавфсиз йўл" ва Музамила Абдуқаҳорованинг "Эгизак овозлар" лойиҳалари энг креатив ғоялар деб эътироф этил-

ди ва уларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Элёр ЖЎРАЕВ,
O'zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўлими мудири

ОБОДЛИК

Самарқанд жамолига гард тушмасин

Кейинги йилларда Самарқандни бир зиярат этмоқ ниятида етти иқлимдан ташриф буюраётган сайёҳлар сони тобора ошиб бормоқда. Бу, аввало, юртимизда туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган изчил ислохотлар, қолаверса, бу кўҳна ва ҳаммша навқирон шаҳарнинг бой тарихи, бетакрор меъморий ёдгорликлари ва замонавий қиёфаси билан боғлиқ. Шу билан бирга, сўнгги йилларда бу маҳобатли кентда турли халқаро анжуманлар, саммитлар, форумлар ўтказилаётгани, жаҳоннинг турли мамлакатларидан давлат раҳбарлари ва нуфузли делегациялар ташриф буюраётгани унинг халқаро майдондаги ўрни ва нуфузи нечоғлик юксак эканини яққол кўрсатиб турибди.

зорлаштириш – бизнинг энг устувор вазифамиз, – дейди вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги "Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш департаменти" давлат муассасаси раҳбари Бахтиёр Жўраев. – Сунъий суғориш тизимлари, насос станциялари, фавворалар, йўлаклар ва бошқа инфратузилма объектларини санитария ва техник жиҳатдан доимий равишда соз ҳолатда сақлаш қатъий талаб этилади.

Айни пайтда департамент ихтиёрига шаҳар марказидаги 22 та асосий кўча бириктирилган. Бу ҳудудларда 36 та замонавий махсус техника ва 750 нафар-



монидан шаҳар кўчалари, йўл бўйлари ва майдонларига турли мавсумий гул кўчатлари экилиб, уларнинг парвариши мунтазам таъминланди. Ёритиш тизимлари қайта кўриб чиқилиб, таъмирланди ва замонавий талаблар асосида соз ҳолатга келтирилди. Бу ишлар фақатгина тадбирлар даврида эмас, мунтазам равишда бажарилади.

Жорий йилда ободонлаштириш ишлари янада кенгаймоқда. Маҳалла ва аҳоли яшаш ҳудудларини обод қилиш, жамоат боғлари ва хиёбонларни реконструкция қилиш, кўчалар ва пиёдалар йўлакларини тозаланишни таъминлаш, ёритиш тизимларини янгилаш, болалар ўйин майдонлари ҳамда автотурагоҳларини тартибга солиш каби қатор долзарб вазифалар зиммамизга юклатилди.

Шубҳасиз, амалга оширилаётган ушбу кенг кўламли ишлар Самарқанднинг нафақат тарихий мерос шаҳри, балки замонавий, обод ва сайёҳлар учун янада жозибадор маскан сифатидаги нуфузини муостаҳкамлашга хизмат қилади.

Муҳаббат РАВШАНОВА,
"XXI asr" мухбири
Реклама ҳуқуқи асосида тайёрланди.

Хизматлар лицензияланган



дан зиёд ишчи-ходим фаолият олиб бормоқда. Улар нафақат кундалик тозалаш ишларини амалга оширади, балки дархат ва гул кўчатларини етиштириш, экиш ва парвариш қилиш билан ҳам шуғулланади. Илгари гул кўчатлари асосан тадбиркорлардан биржа орқали харид қилинган бўлса, харажатларни қисқартириш ва иш самарадорлигини ошириш мақсадида шаҳарнинг Наврўз маҳалласи ҳудудига 2 гектар майдонда замонавий иссиқхона ташкил этилди. Бу ташаббус кўчатларни ўз вақтида, сифатли ва нобуд қилмасдан етиштиришга, шу билан бирга, бюджет маблағларини тежашга хизмат қилмоқда.

Маълумки, ўтган йил давомида Самарқанд шаҳрида халқаро даражадаги қатор йирик анжуманлар бўлиб ўтди. Ана шу жараёнларда департамент то-

ОБОДЛИК МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

Бугунги кунда иқлим ўзгариши ва экологик муаммолар нафақат юртимиз, балки бутун дунё жамоатчилигини жиддий ташвишга солаётган энг долзарб масалалардан бирига айланди.

Уларни бартараф этишнинг самарали йўллари ҳақида сўз кетганда, асрлар оша етиб келаётган миллий қадриятларимизга мурожаат этилади. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки аجدодларимиз қадим-қадимдан табиат билан уйғунликда яшашга, хонадонлар, кўчалар ва маҳаллаларда тозаланиш сақлашга алоҳида эътибор қаратган.



Икки идора ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш мақсадида ишлаб чиқилган "Маҳалла ва экология" концепциясига мувофиқ, вилоятдаги жами 304 та маҳалла ҳудудлари туман (шаҳар) экология бўлимининг 60 нафар давлат экология инспекторларига бириктирилди. Улар ҳар бир маҳалланинг экологик паспортини ишлаб чиқашди. Ушбу ҳужжатлар орқали ҳудудларда жойлашган саноат корхоналари, чиқинди ташиш шохобчалари, санитар тозалаш хизмати фаолияти, яшил ҳудудлар ҳолати, шунингдек, ер ва сув ресурслари, атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражаси тўлиқ ўрганилиб, аниқ кўрсаткичлар белгилан олинди.

ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК ПОЙДЕВОРИ

Биргина мисол: маҳаллага янги тушган келинлар тонг қоронғусида нафақат ўз ҳовлисини, балки кўшни хонадонлар атрофини ҳам суғуриб, саранжом-саритша қилиб қўйишган. Дарахт экиш, боғ барпо этиш эса асл қадриятларимиз сифатида авлоддан-авлодга ўтиб келган. Энг муҳими, оилаларда фарзандлар онгига болалигиданоқ поклик, тозалик, табиатга, атроф-муҳитга ва жонотларга меҳр синдириб борилган. Бугунги кунда ҳам атроф-муҳит тозаллиги, яшил ҳудудларни асраш оиладан, маҳалладан бошланади.

Жиззах вилояти Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси ҳамда Маҳалла бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган "Маҳалла – ижтимоий барқарорлик ва тараққиётнинг устуни" мавзусидаги семинарда ҳам шу ҳақида сўз борди.

Яшил боғлар ва белбоғлар барпо этиш, кўчат экиш ақциялари, чиқиндилар ҳажмини камайтиришга қаратилган ташаббуслар эндиликда

фақат мавсумий тадбир эмас, балки узлуксиз жараёндир. Бу эса маҳалланинг қиёфасини ўзгартириш билан бирга, аҳолининг яшаш сифатига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Янги тизимнинг яна бир муҳим жиҳати – рақамлаштиришдир. Давлат экология инспекторларининг фаолияти электрон платформа орқали мониторинг қилиниб, ҳар бир маҳаллада амалга оширилаётган ишлар реал вақт режимида таҳлил этилмоқда. Бу эса очиқлик ва ҳисобдорликни таъминлаб, камчиликларни ўз вақтида аниқлаш имконини бермоқда.

Муҳими, экологик барқарорликни таъминлаш бугун фақатгина бир соҳанинг вазифаси эмас. Ички ишлар органлари, Миллий гвардия, фавқулодда вазиятлар хизмати, таълим муассасалари ҳамда ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорликдаги комплекс ёндашув асосидаги ишдир.

– Халқимизда "Обод масканларда пок одамлар яшайди", деган нақл бор. Маҳалла тозаллигига эътибор қаратиш, боғлар барпо этиш, энг аввало, аҳоли саломатлигига эътибор қаратиш демакдир. Бу эса жамиятда ишонч ва бирдамликни кучайтиради, – дейди вилоят Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси бошлиғи Эркин Холматов.

Семинар якунида икки ташкилот ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Унда маҳаллаларда экологик маданиятни юксалтириш барқарорлигини таъминлаш эканлиги, бу йўлдаги ҳар бир саяёҳ-ҳаракат ва ташаббус қўллаб-қувватланиши таъкидланди.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
"XXI asr" мухбири

ТАДБИР

Талаб ва эҳтиёж уйғунми?

Самарқанд вилоят ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси ташкил этган матбуот анжуманида соҳадаги амалга оширилаётган ишлар ҳақида оммавий ахборот воситаларига маълумот берилди.



– Ҳозирги кунда вилояти-миз ҳудудида жами 1 729 та чорвачилик фермер хўжалиғи мавжуд, – деди бошқарма бошлиғи ўринбосари Одилхон Бақоев. – Уларнинг 752 таси қорамолчиликка, 223 таси қўйчиликка, 4 таси ийлқиччиликка, 211 таси паррандачиликка, 468 таси балиқчиликка, 62 таси асалариччиликка, 19 таси эса қўнчиликка ихтисослашган. Ҳудудларимизда қорамол, қўй, эчки, парранда сони ошгани боис гўшт, сут, тухум режаси юқори даражада бажарилган. Чорвачиликни ривожлантириш бўйича умумий қиймати 400 млрд 897 млн сўмлик 85 та лойиҳани амалга ошириш мўлжалланган бўлса, ҳозиргача уларнинг 81 таси амалга оширилди ва 587 та иш ўрни яратилган. Франция Тараққиёт агентлигидан чорвачилик йўналишидаги фермерларга 100 минг еврогача кредит маблағлари ажратилаётди. Натижада вилоятда бир йилда 187 минг тонна гўштва талаб бўлишига қарамай, ишлаб чиқариш 225 минг тоннадан ошмоқда. Тухум етказиш бўйича ҳам 906

миллион донага талаб бўлиб, режа ортиғи билан, яъни 162 фоизга бажариляпти. Бу эса эҳтиёждан ортиғини бошқа ҳудудларга сотиш имконини бермоқда. Лекин балиқчилик ва асалариччиликда аҳвол кўнгли-дагидек эмас. Вилоят аҳолисининг балиққа бўлган талаби йилга 31 минг тонна бўлса-да, ҳозир амалда бу кўрсаткич 20 минг тоннада. Асалга эҳтиёж 6,5 минг тонна бўлишига қарамай, 3 минг тонна олинмоқда. Ушбу тармоқларда жиддий изланишлар талаб этилади. Умуман олганда, четдан насли моллар олиб келиш, уларни турли хил касалликлардан сақлаш, озуқа базасини яхшилаш ва халқимиз учун сифатли маҳсулотлар етказиш эътиборимиздаги масалалардан бўлиб қолади.

Тадбир доирасида мазкур соҳада эришилган ютуқлар ва муаммоларга оид саволларга бошқарма мутасаддилари атрафлича жавоб беришди.

М. РАВШАНОВА,
"XXI asr" мухбири

Кўнгли тилаган муродига етса кими...

◀◀ Бошланиши 1-сифада.

Тарихий манбаларда келтирилишича, Бобур Мирзо ўрта буйдан юқорилик, бақувват жуссали киши бўлиб, жисмоний ҳаракат талаб қиладиган машғулотлари яхши кўрган. Машқлар натижасида ўткир мерган ва моҳир қиличбоз бўлиб етишган. Ҳарбий ва жисмоний маҳоратини кўпинча яккама-якка жангларда намойиш қилган ва ҳамisha ғолибликка эришган. Айтишларича, шу даражада бақувват бўлганки, баъзан иккала кўлтиғига икки сарбозни олиб қалъа деворлари устида юра олган.

1494 йили отаси Умаршайх Мирзо Ахсида фожиали ҳалок бўлган, 12 ёшли Бобур валиаҳд сифатида тахтга ўтиради ва қаламини қиличга алмаштиришга мажбур бўлади. Дастлабки йилларда макенини мустақамлаш, бек ва амалдорлар билан ўзаро муносабатни яхшилаш, кўшинни тартибга келтириш, давлат ишларида интизом ўрнатish каби муҳим қора-тадбирларни амалга оширади. Унинг мақсади бобоси Амир Темуру давлатнинг пойтахти Самарқандни эгаллаш ва Мовароуннаҳрда марказлашган кучли давлатни сақлаш, мустақамлаш ҳамда Амир Темуру салтанатини қайта тиклашдан иборат эди. Афсуски, бир неча йил давом этган бу курашлар кутилган натижасини бермади. Оқибатда юртни ташлаб кетишга мажбур бўлди ва Кобул улусида ўз ҳокимиятини ўрнатади. Шаҳарда қурилиш, ободонлаштириш, касбу хунар ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ишларини бошлаб юборади. “Боғи Шахро-ро”, “Боғи Жаҳоноро”, “Уртабоғ”, “Боғи вафо” ва “Боғи Бобур” каби оромгоҳлар ташкил этади. Унинг Ҳумоюн, Гулбаданбегим, Комрон ва Ҳиндол исмли фарзандлари ҳам айнан Кобулда туғилади.

1519 йил баҳорига келиб Бобур Ҳиндистонни забт этиш режаларини амалга оширишга киришади ва кейинги беш-олти йил давомда бир неча юришлар қилади. Ниҳоят, 1526 йили апрелда Панипатда асосий рақиб, Деҳли султони Иброҳим Лўдийнинг юз минг кишилик лашкарини 12 минглик аскар билан тор-мор қилиб, Деҳлини эгаллайди. Бундай қудратли душманга оз сонли кўшин билан қарши бориш ақл бовар қилмас ҳолат ҳисобланар эди. Бобурнинг ҳарбий соҳадаги инноваторлиги ғалабанинг муҳим омил бўлган. Яна бир йирик саркарда Рано Сангонинг 200 минглик кўшини устидан қозонилган зафар Шимолий Ҳиндистоннинг Бенгалия-гача бўлган қисмини бўйсундириш имконини берди.

Бобур мамлакатда сиёсий фаолият муҳитини барқарорлаштириш, шаҳарларни ободонлаштириш, савдо-сотиқ масалаларини тўғри йўлга қўйиш, боғроғлар яратиш ишларига ҳомилик қилди. Кўплаб мезморий ёдгорликлар, кутубхоналар, карвонсаройлар қурдирди. Жаҳонга машҳур шоҳ асари – “Бобурнома”-ни яратди. Унинг нафис ғазал ва рубоийлари ҳам туркий шеърятнинг нодир дурдоналари бўлиб, “Мубай-йин”, “Хатти Бобурий”, “Ҳарб иши”, “Аруз” рисоалари эса ислом қонуншунослиги, шеърят ва тил назарияси соҳаларига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Унинг беқисс илмий-иҷодий мероси нафақат миллий маданиятимиз ва халқимиз адабий-эстетик тафаккурининг ривожланишида, балки жаҳон адабиёти, илм-фани ва давлатчилиги тарихида алоҳида ўринга эгадир. Бобур янги ёзув ихтирочисини ҳам эди. Йигирма ёшлигида “Хатти Бобурий”ни ишлаб чиққан. У “Бобурнома”нинг уч ўрнида, шунингдек, бир шеърда ўзи яратган ёзув ҳақида тўхталиб ўтади. Аммо бобуруносликда ушбу хат билан боғлиқ тадқиқотлар кўп эмас.

Шоҳ ва шоир 1530 йил 26 декабрда 47 ёшида Аграда вафот этиди ва ўша ерда дафн этилди, 1539 йили хоки Кобулга келтирилиб, ўзи бунёд эттирган “Боғи Бобур”га қўйилди. Ундан тўрт ўғил қолган: Муҳаммад Ҳумоюн Мирзо, Комрон Мирзо, Ҳиндол Мирзо ва Аскарий Мирзо. Кичик ўғиллари Олуру (Алвор) Мирзо, Анвар Мирзо, Борбул Мирзо ва Фаррух Мирзо болалигида вафот этган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари кўлэмалари ва таржималари борасида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Улар ўзбек адабиётининг умумжаҳон адабий жараёнида тугган ўрни ва хусусиятларини аниқлаш ҳамда баҳолаш имконини бермоқда. Айниқса, туркий халқлар адабиётини бобуруносликка оид илмий ва бадиий асарларни қисий таҳлил этиш адиб ижодини тадқиқ этиш жараёнида юзага келган кўпгина масалаларнинг ечимини муҳим ҳисобланади. Бобурнинг жаҳон адабиёти ривожига қўшган улушини илмий асослаш, асарларининг дунё кутубхоналаридаги кўлэмалари ҳамда таржималарини тизимли равишда ўрганиш, амалга оширилган ишлар тадқиқи ва тақомил босқичлари ушбу соҳада кўплаб устувру вазибаларни бажаришни тақозо қилади.

Мамлакатимизда буюк аждодларимиз меросига қаратайлаётган эътибор, улардан қолган бой илмий-адабий меросни тадқиқ этиш ҳар қачонгидан-да долзарб аҳамият касб этмоқда. Айниқса кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахсига ҳурмат ва эътибор янада юксалди. Шоир асарлари кўлэмаларининг хорижий мамлакатлардан олиб

келингани ва улар асосида ўнлаб қимматли асарлар битилгани юртимизда бобурунослик йўналишида қилинаётган ишлар кўламини кўрсатиб беради.

Бобур шеърятининг ўзига хослиги оддий ва самимийлигида, шунингдек, барча бирдек тушуна олишидадир. Шоир лирикаси марказида муҳаббат ва ҳижрон, инсоннинг пок севгисини улуглаш, висол орузи, вафодорлик мавзулари туради. Ҳар бир шеърда шоир ҳаётининг манзаралари акс этади. Шу боис Бобур шеърятини унинг биографияси дейиш мумкин. Аксарият ҳолларда шоир ўз умрининг аччиқ-чучук кунларидан сўз очади.

Кўнгли тилаган муродига етса кими, Ё барча муродларни тарк этса кими, Бу икки иш муяссар бўлмаса оламда, Бошини олиб бир сориға кетса кими.

Ушбу рубоийнинг ёзилиш ҳолатини кўз олдимизга келтирайлик. 19-20 ёшлардаги ғайрати дунёда сизмаган пайтлари. Лекин давлат ишлари, сиёсий зиддиятлар



уни руҳан тушкун ҳолатга туширади. Тақдир тақозоси Бобурни ўзи туғилиб ўсган юртларини тарк этишга мажбур қилади. Шу боис унинг шеърятини Ватанга интилиш, гурбат, ҳижрон мавзулари кенг еритилган.

Бобур мумтоз адабиётимиз йирик сиймоларидан бири сифатида лирик жанрларда сермахсул қалам тебратган. Адиб ижоди ўз давридаёқ замонасининг шоиру олимлари томонидан муносиб шарҳланган. Жумладан, Гулбаданбегимнинг “Ҳумоюннома” асарида, Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” ва тарихчи Абулфазл Алломи асарларида ҳақли равишда кўп ва хўп эътироф этилади. “Тарихи Рашидий” асарида ёзилишича, “Туркий шеърни Амир Алишердан кейин ҳеч кими Бобур ёзган даражада ёзган эмасдир”. Шоир шеърятини тақомил бундай юксак муносабат асрлар оша янада баҳолаш бори. Айниқса, XX асрга келиб бу жараён алоҳида кўриниш касб этди. Манбаларда, шоир саккизта шеърини жанрда ижод қилгани, шундан ғазаллар – 126 та (3 таси тугалланмаган), маснавий – 12 та, қитъа – 23 та, туюқ – 20 та, фард – 117 та, муаммо – 54 та, рубоий – 230 та ва бир нечта масну шеър ёзгани қайд этилади. Бобур, айниқса, туркий шеърят аъёнларини Ҳиндистон адабий муҳитига олиб кирган ва сарой шоирларининг туркча шеър ёзишига раҳнамолик қилган улуг шахс. Бобурнинг мумтоз девончилик аъёнаси асосида девон туггани маълум эмас. Бироқ бир рубоийида “Бобур девони”нинг 10 та кўлэмаси топилган бўлиб, кейинги тадқиқотларга кўра шоирнинг ҳали илм аҳлига номаълум яна бир кўлэмаси нусхаси ҳам мавжудлиги аниқланган. Бобур девонининг кўлэмаси нусхалари бугунги кунда Англия, Франция, Ҳиндистон ва Туркия кутубхоналарида сақланмоқда.

Улуғ шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг буюк асари, шубҳасиз, “Бобурнома” бўлиб, унда 1494–1529 йиллари Марказий ва Кичик Осиёда, Яқин ва Урта Шарқ мамлакатларида кечган воқеалар баён этилган. Бу асарда катта бир даврнинг тарихи муҳим жимматини оширадиган жиҳатлардан яна бири бир ярим мингдан зиёд шахслар номи зикр этилгани бўлса, шундан етти юз нафарга яқини шоҳлар,

ҳоқимлар, амир-амалдорлар, дин уламолари, илм-фан, санъат ва адабиёт аҳиллари, деҳқонлар, хунарманд ва бошқа касб эгаларидир. Бу шоҳ асарда, айниқса, илм-фан, санъат ва адабиёт вакилларига салмоқли ўрин берилгани алоҳида эътиборга молик.

“Бобурнома”да Урта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон халқларининг тарихий, ижтимоий-сиёсий ҳаёти, турмуш тарзи, шу мамлакатлар географияси, ўсимликлари ва ҳайвонот дунёси тўғрисида жуда кўп маълумотлар келтирилади. Асар ўз характери билан нафақат туркий тилдаги тарихнависликда фавқулодда янги ҳодиса, балки Шарқ маданияти тарихида ҳам ажойиб янгилик, нодир адабий манба сифатида ардоқланган. Шу сабабли XVI асрдаёқ бир неча марта форс тилига, кейинчалик Европа тилларига таржима қилинди. “Бобурнома” шу кунга қадар йигирмадан ортиқ тилга ўгирилган бўлиб, ҳар бири турли йилларда қайта-қайта чоп этилмоқда. Жаҳон илм-фанида тилшунослик, адабиётшунослик, география ва тарихий аспектларда ўрганилмоқда.

Туркий шеърятга араб ва форс адабиёти орқали кириб келган аруз тизимининг тараққиётида Алишер



“ТАНКА”СИ КАТТА ОҒАМ

Муродбой билан деярли тенгқурмиз. Бизда бир-икки ёш кўпинча эътиборга олинавермайди, “сен”лашиб гаплашаверамиз. Бу муомалада яқинлик бор, ҳурмат-иззат бор. Негадир илк танишган кезлардан бери Муродбой оға деб мурожаат қилишга ўрганилган.
Киройи, мард шундай оғанг бўлгани қандай яхши!

Муродбой Низомов билан ёшлар ташкилотини ишлаб юрган кезларимда танишганман. Утган асрнинг 80-йилларида у энди кўзга кўрина бошлаган энг фаол ижодкорлардан бири эди. Ташкилот уюштирадиган адабий-маърифий тадбирларда қатнашар, даврада катта шоирлар шеър ўқишса, у сатирик асарларининг томошабини ўзига жалб қиладиган қизиқарли лашазаларидан парчалар айтиб бериб, зал тўла ёшларни бир зумда “ўзиники” қилиб оларди.

Иш фаолиятини ўзи туғилиб ўсган Кегайли туманидаги қишлоқда ишчиликдан бошлаб, кейинчалик кетма-кет эълон қилган ҳикоя ва қиссалар орқали тез тилга тушиб, Қорақалпоғистонда наشريёт, телевидение ва киночилик соҳасида масъул вазибаларда хизмат қилди. М. Низомов “Қорақалпоқфильм”да директор бўлиб ишлаган даврлар том маънода қорақалпоқ миллий киноси юқори даражага чиққан йиллар бўлди, десак янглишмаймиз. Худди ана шу даврда кўп таъйинлар, чекловларга қарамадан суратга олинган “Танка” фильмининг ҳали ҳамон одамлар энтикиб томоша қилади. Шундан бери Муродбой оғани “Танка”си катта одам” деб ҳазиллашадиган кўпчилик.

Эътиборлиси, Муродбой Низомов қаламига мансуб “Текин парвоз”, “Телефон жиннисини”, “Қулдиргани учун айбдор” ҳажвати ҳикоялар тўпламлари, “Ақчагул”, “Икки қонхўр” қиссалари, “Душман”, “Охираат уйқусини” романлари нафақат қорақалпоқ, балки ўзбек адабиётини ҳам улкан эътирофга лойиқ асарлар сифатида тилга олинади.

Ҳеч эсимдан чиқмайди: Эллиққалъа туманига ҳокимлик қилган давримда ҳар икки йилда бир марта “Ақчагул илҳомлари” танлови, шоир ва адиблар билан мунтазам учрашувлар уюштиришни аънаъга айлантирган эдик. Бу танлов адабиёт майдонига кириб келаётган ёш иқтидорлар учун ўзига хос зинапо вазибаларини ўтагани аниқ. Танлов ҳайъати аъзолари орасида Ўзбекистон Қаҳрамонлари, халқ шоирлари Абдулла Орипов, Иброҳим Юсупов, халқ ёзувчиси Тўлпбергван Қайлибергванов каби адабиётимиз даргалари қаторида Муродбой оға ҳам фаол қатнашар, кўп минг кишилик адабий учрашувларга самимий, ғоятда долзарб мавзулардаги ҳажвийлари билан “жон” киритарди. Шунинг учун ҳам ўзбек ва қорақалпоқ адабиёти ривожига қўшган ҳиссаси учун Муродбой оға халқ ёзувчиси унвонига сазовор бўлди. Бердақ номидида давлат мукофоти ва “Дўстлик” ордени билан тақдирланди.

Тан олиш керакки, бугун Муродбой оға қаламига мансуб асарлар жаҳоннинг бир қатор тилларига таржима қилиниб, ёзувчининг шон-шурати қитъалар ошганидан қувониб, янгидан-янги асарлар ёзишларини интиқлик билан қуттишга одатланганмиз.

Қиш энди бошланаётган маҳал Муродбой оғамиз етмиш беш ёшга тўлди. Минглаб мухлислари қаторида у кишини чораккам бир асрлик ёши билан қўтламоқ учун йўлга отланаётсак, Нукусдан адибнинг катта опаси дунёдан ўтиб қолгани ҳақида ноҳус хабар келди. Тантанали юбилей ҳақида оғиз очмиш нуқулмай эди. Энг қизиги, ордан анча вақт ўтгач, ўзлари кўнғироқ қилиб, “Тўйни кўзга кўчирдим”, деб қолди. Жондай жигари хотираси ҳурмати учун белги-ланган тадбирни орта сурганлари унинг чин инсоний фазилат эгаси эканлигидан далолат эди...

Бир оддий ўқувчи, муҳлис ва қадрдони сифатида Муродбой Низомовга Яратгандан қуч-қувват ва янгидан-янги теша тегмаган асарлар қуттишга ҳақлимиз.

Неъматулла ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи, профессор

Шухрат ҲАЙИТОВ,
филология фанлари доктори

МУАССИС: TADBIRKORLAR VA ISHILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир ҳайъати:

Ақтам ҲАЙИТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Сирожддин САЙИЙД

Дилшод ШОУМАРОВ
Равшан МАМУТОВ
Нодир ЖУМАЕВ

Гулшана ХУДОЁРОВА
Шухрат АСЛОНОВ
Абдулла АСЛОНОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.uz
xxi_asr@mail.ru



Телефонлар:
қабулхона –
71 215-63-80
(тел. факс).
Обуна ва реклама бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (Собик Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги)да 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ, Буюртма рақами: Т – 0245
Адади: 6286
Баҳоиси келишилган нархда.
Топширилди – 20:45

Тахририятга келган кўлэмалар тақрир қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© “XXI asr” деб олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтани назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди.

Саҳифаларчи:
Маъруфжон Раҳмонов



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Нурхон ЭЛИМИРЗАЕВА